*Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!*

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

**Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси** ◊ TOSHKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган • 2005 йил 8 январь, шанба • №3 (11.702) • Эркин нархда сотилади

## ТАКРОРИЙ ОВОЗ БЕРИШГА ҲАММА НАРСА ШАЙ

**Эртага Олий Мажлис Қонунчилик палатаси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашларига ўтган асосий сайловларда номзодлар етарли овоз ололмаган сайлов округларида такрорий овоз берилади.**

Бу мамлакатимизда демократик жараёнларнинг шаклланиб бораётганлиги, фуқароларнинг сайлаш ва сайланиш ҳуқуқлари таъминланаётганлигини тасдиқлайдир. Шу тариқа Ўзбекистонда ҳам ривожланган демократик мамлакатлардаги сингари икки палатали парламентни шакллантириш йўлида муҳим қадам қўйилмоқда.

Такрорий овоз бериш Марказий ва вилоят сайлов комиссияларининг қарорлари асосида энг кўп, аммо сайланиш учун етарли бўлмаган овоз олган икки номзод бўйича ўтказилади. Сайловчилар ўзлари асосий сайловларда иштирок этган участкаларга чиқиб, овоз беришда қатнашадилар. Улар ўша асосий сайловда тузилган рўйхатлар бўйича бюллетенлар олишади.

Тошкент вилоятида Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатасига сайлов ўтказувчи етти округда такрорий овоз бериш ташкил этилмоқда. Халқ депутатлари вилоят кенгаши депутатлигига сайлов ўтказувчи ўн беш сайлов округида ҳам такрорий овоз беришга тўла тайёргарлик кўриб қўйилди.

Сайлов участкасига чиққан ҳар бир сайловчига берилган бюллетенларда икки номзоднинг исми-шарифи қайд қилинади. Фуқаролар улардан бирини дастурий мақсадлари ўзларига қанчалик яқинлигига қараб, алоҳида хоналарда танлайдилар ва шу номзоднинг фамилияси рўпарасидаги катакчага белги – крестик қўядилар.

Овоз бериш жараёнлари барча участкаларда эмин-эркин, очиқ-ошкора ўтказилади.

**ВИЛОЯТ** *ҳаёти*

## «СОҒЛОМ АВЛОД»НИНГ ХАЙРЛИ ИШЛАРИ

**«Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси Сиҳат-саломатлик йилида оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, ёш авлодни баркамол вояга етказиш борасидаги хайрли ишларни янада кучайтирмоқда.**

Жамғарманинг Тошкент вилоят бўлими Германиянинг «Friedensdorf International» ташкилоти гранти ҳисобидан 1-Тошкент давлат тиббиёт институти ва «Алишер - тиббиёт» хусусий клиникаси билан ҳамкорликда лаб-танглайида туғма нуқсони бўлган болаларни улар яшайдиган шаҳар ва қишлоқларнинг ўзида даволашни йўлга қўйди. Бундай хасталикка чалинган йигирма бола жарроҳлик йўли билан даволанди.

**ЎзА.**

## ТОШКЕНТДАН МАДИНАГА

**Тошкент аэропортида юртимиз мусулмонларини муборак ҳаж амалларини адо этишлари учун Саудия Арабистонига кузатиш маросимлари бўлиб ўтмоқда.**

Жумладан, вилоятимиздан бу йил 180 киши ҳаж сафарига отланган. Уларнинг сўнгги гуруҳи кеча Тошкент аэропортидан тўғридан-тўғри Мадина шаҳрига учиб кетди. Шунингдек, юртимиздан борган зиёратчиларга зарур бўлганда тиббий ёрдам кўрсатиш учун малакали шифокорлар ҳам жўнаб кетишди.

**Камол ҒАЙРАТОВ.**

**ВИЛОЯТ** *ҳаёти*

*● Вилоят ҳокимлигида*

## МЕЗБОНЛИК ТАРАДДУДИ

**Вилоят ҳокимлигида «Баркамол авлод — 2005» спорт ўйинлари республика финал босқичига тайёргарлик кўриш ва ўтказиш вилоят ташкилий қўмитасининг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда вилоят ҳокимининг ўринбосарлари, ҳокимлик гуруҳ ва котибиятлари, бошқармалар, жамоат ташкилотлари раҳбарлари, шаҳар ва туман ҳокимлари, уларнинг ўринбосарлари иштирок этишди.**

Йиғилишни вилоят ҳокими, ташкилий қўмита раиси Козим Тўлаганов бошқарди.

Академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари ўқувчиларининг анъанавий «Баркамол авлод» спорт мусобақалари, маълумки, бу йил Тошкент вилояти спорт майдонларида ўтказилади. Ўқувчи-ёшлар спортнинг ўн беш тури бўйича куч синашишади. Бу мусобақаларда уч мингга яқин ёш спортчи ва мураббий иштирок этиши кутилаяпти.

Шу муносабат билан йиғилишда «Баркамол авлод-2005» спорт ўйинларига тайёргарликнинг бориши, уни юқори савияда ўтказиш чора-тадбирлари муҳокама қилинди. Чирчиқ, Ғазалкент ва Янгийўл шаҳарларидаги стадионларда таъмирлаш ишлари якунланаётганлиги, иштирокчиларни ётоқхоналар билан таъминлаш юзасидан қизғин иш олиб борилаётганлиги қайд қилинди. Тошкент вилоятидаги «Семурғ», «Чорвоқ», «Олтин олма», «Бўстон» оромгоҳлари, бир қатор касб-ҳунар коллежларининг ётоқхоналари мусобақа иштирокчиларини жойлаштириш учун тайёрланаяпти.

Йиғилиш «Баркамол авлод-2005» спорт мусобақаларини уюшқоқлик билан, юқори савияда ўтказишга етарли тайёргарлик кўришга қаратилган қарор қабул қилди.

*● 2005 йил – Сиҳат-саломатлик йили*

## ЯНГИ ШИФО МАСКАНИ



**Чиноз туманидаги «Чиноз» ширкат хўжалиги ҳудудида 5600 нафар аҳолига хизмат кўрсатадиган қишлоқ шифокорлик пункти фойдаланишга топширилди.**

Бир неча йилдан буён таъмирталаб бўлган қишлоқ поликлиникаси ҳашар йўли билан тўлиқ таъмирланиб, шифо масканига айлантирилди. Ҳозир бу ерда стоматология, даволаш, педиатрия ва гинекология бўлимлари билан бир қаторда кундузги стационар, дам олиш хоналари фаолият юритмоқда.

Шунингдек, Юқоричирчиқ туманидаги Наврўз, Қуйичирчиқ туманидаги Қўрғонча қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудларида ҳам уч мингдан зиёд кишига хизмат кўрсатувчи қишлоқ шифокорлик пунктлари ишга туширилди.

Улар замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган бўлиб, кўпгина хасталикларга ташхис қўйиш имконига эга.

**Ўз мухбиримиз.**



*СУРАТЛАРДА: Чиноз туманидаги қишлоқ шифокорлик пунктининг умумий кўриниши; ҳамшира Ҳафиза Мамараимова беморни муолажа қилмоқда.*

**Даврон АҲМАД олган суратлар.**

## ТАЪТИЛ КУНЛАРИ МАРОҚЛИ ЎТМОҚДА

**Айни кунларда мактаб ўқувчиларининг қишки таътиллари давом этмоқда. Уларнинг таътил кунларини қизиқарли ва мароқли ўтказишлари учун жойларда турли тадбирлар ташкил этилмоқда. Республика ўқувчилар саройида ўтказилган "Қорқизнинг саргузаштлари" деб номланган байрам тадбири шулар жумласидандир.**

Қишки таътилни мазмунли ўтказиш мақсадида Республика ўқувчилар саройида ташкил этилган байрам кечасида безатилган арча атрофи болажонлар билан гавжум бўлди. Байрам кечасида санъат усталари ва эстрада юлдузлари, Республика ўқувчилар саройида ташкил этилган тўгараклар ҳамда давлат цирки аъзолари ўзларининг чиқишлари билан иштирок этишди.

**«Туркистон-пресс».**

*Тошкент вилояти ҳокимининг*

*ҚАРОРИ*

## Халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгашининг I сессиясини чақириш тўғрисида

**Ўзбекистон Республикасининг «Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида»ги Қонунининг 17-моддасига мувофиқ қарор қиламан:**

Халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгашининг I сессияси 2005 йил 11 январь куни соат 15.00 да Тошкент шаҳрида чақирилсин.

**Вилоят ҳокими К. ТЎЛАГАНОВ.**

Тошкент шаҳри,
2005 йил, 4 январь.

# ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИДАН ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИ ДЕПУТАТЛАРИ ЭТИБ САЙЛАНГАНЛАР РЎЙХАТИ

**Аввал хабар берганимиздек, 4 январь куни Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Унда 2004 йил 26 декабрда ўтказилган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига сайлов якунлари кўриб чиқилди ва «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатларини рўйхатга олиш тўғрисида» қарор қабул қилинди. Ушбу қарорга мувофиқ Тошкент вилоятидан қуйидагилар Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари этиб рўйхатга олиндилар:**

| № | Депутатнинг фамилияси, исми, отасининг исми | Туғилган йили | Депутатнинг номзодини кўрсатган орган номи, партияга мансублиги | Эгаллаб турган лавозими (машғулотининг тури) | Иш ва яшаш жойи | Сайлов округининг тартиб рақами ва номи |
|---|---|---|---|---|---|---|
| 1. | Абдураҳимов Асатилла Убайдуллаевич | 1948 | Ўзбекистон «Фидокорлар» миллий-демократик партияси, Фидокорлар МДП аъзоси | Тошкент аграр университети иқтисодий назария ва ахборот технологиялари кафедраси мудири | Тошкент шаҳри | 81-Қибрай сайлов округи |
| 2. | Қориева Мунира Джўраевна | 1957 | Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси, «Миллий тикланиш» ДП аъзоси | «Жўрабек» хусусий фирмасининг бош директори | Тошкент шаҳри | 82-Янгийўл сайлов округи |
| 3. | Коренев Игорь Анатольевич | 1966 | Ўзбекистон «Фидокорлар» миллий демократик партияси, Фидокорлар МДП аъзоси | Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти бўлим бошлиғи | Тошкент шаҳри | 76-Олмалиқ сайлов округи |
| 4. | Охунов Равшан Орипович | 1963 | Ўзбекистон Либерал-демократик партияси, ЎзЛиДеП аъзоси | «Бозор, пул ва кредит» журнали бош муҳаррири | Тошкент шаҳри | 74-Бўстонлиқ сайлов округи |
| 5. | Юнусова Алия Туйғуновна | 1961 | Ўзбекистон Халқ демократик партияси, ЎзХДП аъзоси | Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси миллий марказининг таълим бўлими мудири | Тошкент шаҳри | 72-Бекобод сайлов округи |

**Юртимизда газ ва сувни ҳисобга олишнинг замонавий тизимини яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. «Сувжиҳозгаз» Ўзбекистон-Хитой қўшма корхонаси якунланган йилда республика аҳолиси ва корхоналарга тўрт юз мингдан ортиқ турли ҳажмдаги ҳисоблагичларни етказиб берди.**

# «СУВЖИҲОЗГАЗ» МАҲСУЛОТИ – ТЕЖАМКОРЛИК ОМИЛИ

Юздан зиёд ишчи меҳнат қилаётган мазкур корхонада ўтган йили ўн миллион АҚШ доллари миқдорида маҳсулот тайёрланди.

– Ҳозир йигирма турда иссиқ ва совуқ сув ҳамда газ ўлчагичлари тайёрлаяпмиз. Улардан фойдаланаётган жисмоний ва юридик шахсларга икки йилгача муддатда бепул ва кафолатли хизмат кўрсатилмоқда, – деди қўшма корхона бош директори Хун Юань Чао. – Бу кафолатли иш деярли барча минтақалардаги замонавий техник асбоб-ускуналар билан жиҳозланган сервис кўрсатиш ва таъмирлаш марказларида амалга оширилаётир.

**Лазиз РАҲМАТОВ,**
**ЎзА мухбири.**

*● 14 январь – Ватан ҳимоячилари куни*

# УЛАРНИНГ ХИЗМАТИ ТУФАЙЛИ ҲАЛОВАТДАМИЗ

**Ватан мудофаачилари куни яқинлашиб келмоқда. Шу байрамга бағишланган тадбирларнинг дастлабкиси Марказий офицерлар уйида бўлиб ўтди.**

Бу тантана Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги билан пойтахтнинг Мирзо Улуғбек туман мудофаа ишлари бўлими томонидан ташкил этилди.

Мамлакат Қуролли Кучлари рамзлари билан безатилган залда бир неча авлод намоёндалари тўпланишди. Ҳарбий хизмат фахрийлари, бугун қисмларда хизмат қилаётган аскарлар, ҳарбий билим юртларида ўқиётган курсантлар катта байрам арафасидаги тантаналарда иштирок этишди.

Ҳарбий қисмларда шавкатли хизматни муваффақиятли ўтаётган зобитлар, аскарлар ва курсантлар эсдалик совғалари билан тақдирланди.

**Собиржон МУТАЛОВ.**

# МАЛАКАЛИ ОФИЦЕРЛАР МАСКАНИ

**Тошкент олий умумқўшин қўмондонлик билим юрти Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг тактик бўғини - умумқўшин қисмларига малакали офицер кадрлар тайёрлаб беришда етакчи ҳарбий ўқув даргоҳларидан ҳисобланади. У миллий армиямиз учун юқори малакали офицер кадрлар тайёрлашда бой анъана ва тажрибага эга.**

Мустақиллик ғояларига, халқимиз ва Қуролли Кучларимизга содиқ, ташкилий ва бошқарув қобилияти ҳамда интеллектуал салоҳиятга эга етук офицер кадрларни тайёрлаш мазкур жамоанинг асосий вазифасидир.

Ўзбекистон мустақилликка эришганидан буён ўтган қисқа вақт мобайнида олий ҳарбий таълим даргоҳида қарийб 3 минг нафар малакали офицер тайёрланди. Билим юрти битирувчилари мамлакатимизнинг турли ҳудудларида жойлашган ҳарбий қисм ва бўлинмаларда Ватан олдидаги муқаддас бурчини шараф билан адо этаяптилар.

Бу ерда мотоўқчи бўлинмалари командирлари, қўшин разведкаси бўлинма командирлари ва взвод командирларининг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосарлари, шунингдек, чегара қўшинлари учун малакали офицер кадрлар тайёрланмоқда.

Билим юртида Ўзбекистон Республикаси Президенти, Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондони Ислом Каримовнинг асарларини, айниқса, давлатимиз раҳбарининг «Миллий армиямиз - мустақиллигимизнинг, тинч ва осойишта ҳаётимизнинг мустаҳкам кафолатидир» рисоласини батафсил ўрганиш кенг йўлга қўйилган. Шунингдек, миллий Қуролли Кучларимизни барпо этиш, армияни ислоҳ қилиш, унинг жамиятимиздаги ўрни ва аҳамиятига бағишланган семинар машғулотлари ўтказилаётир.

**Т.БОТИРБЕКОВ,**
**ЎзА мухбири.**

*● Изланиш ва самара*

# ДИВИДЕНДЛАР ЎЗ-ЎЗИДАН ПАЙДО БЎЛМАЙДИ



**Ўтган асрнинг сўнгги ўн йиллиги «Оҳангаронцемент» очиқ акциядорлик жамияти жамоаси учун катта синовлар даври бўлди. Собиқ иттифоқнинг тарқалиб кетиши оқибатида турдош корхоналар ўртасида пухта йўлга қўйилган алоқалар сусайди.**

Айниқса, маҳсулот ишлаб чиқариш учун зарур бўлган хом ашёлар таъминотидаги узилишлар цементчиларни оғир иқтисодий аҳволга солиб қўйди. 1990 йилда 1 миллион 726,8 минг тонна цемент ишлаб чиқарган корхонада бу кўрсаткич 1999 йилга келиб 693,8 минг тоннага тушиб қолди. Асбоб-ускуналарнинг эскирганлиги, уларга эҳтиёт қисмларнинг етишмаслиги, ишлаб чиқариш учун зарур бўлган бошқа ашёларни сотиб олиш учун маблағларнинг йўқлиги, малакали кадрларнинг кетиб қолиши ва бошқа сабаблар шунга олиб келди.

XXI асрнинг бошларида бундай нуқсонларни бартараф этиш юзасидан кўрилган чора-тадбирлар ишда муайян силжишларга олиб келди. Бу 2000 йил якунида кўзга ташланди. Ўша йили буюртмачиларга 750 минг тоннадан кўпроқ «қурилиш нони» етказиб берилди. Кўп ҳажмда керак бўладиган иссиққа чидамли ғиштни корхонанинг ўзида тайёрлаш ўзлаштирилди. Эҳтиёт қисмлар ва хом ашёларнинг анчагина қисми республикамиз корхоналарида тайёрлана бошланди. Натижада четга қарамлик анча камайди. Ана шу чора-тадбирлар туфайли цемент ишлаб чиқаришда йилига бир миллион тонналик маррага чиқилди. Ўтган йили эса янада юқори самарага эришилди. Тайёрланган цемент бир миллион юз минг тонна атрофида бўлди. Унинг акциялари ҳам харидоргир бўлиб, яхшигина дивидендлар тўланмоқда.

Жамоанинг маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш, хўжаликни юритишнинг акциядорлик жамияти усули афзалликларидан ишнинг кўзини билиб фойдаланиши юқори мукофотга сазовор бўлди. Республика қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази ҳамда инвестиция институтлари миллий уюшмаси томонидан ташкил этилган Ўзбекистон фонд бозорининг энг фаол иштирокчиларига бериладиган мукофотлар Оҳангарон цементчиларига ҳам топширилди. Корхона жамоаси «Энг яхши акционерлик жамияти» йўналиши бўйича ғолиб чиқди. Бундан руҳланган цементчилар меҳнатга янада юқорироқ марраларни эгаллаш, корхона ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш коэффициентини тинмай ошириб боришга қаратилган саъй-ҳаракатларни кучайтирмоқдалар.

Яқинда акциядорлик жамиятининг навбатдан ташқари йиғилишида 2005 йилги бизнес режа тасдиқланди. Унга кўра корхона жамоаси 1,1 миллион тонна цемент ишлаб чиқаришни мўлжалламоқда. Режага мувофиқ кўриладиган соф фойда сал кам 2,2 миллиард сўмни ташкил этади.

Янги йил байрами кунларида «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳамда «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси Тошкент тумани бўлимлари хайрли ишга қўл уришди.

## Айём туҳфаси

Туманда истиқомат қилаётган эшитиш қобилияти заиф уч ногиронга эшитиш аппарати топширилди. Ҳар бири 180 минг сўмлик ушбу мосламалар улар учун ҳақиқий байрам совғаси бўлди.

Ўз мухбиримиз.

## ТАОМГА ЛАЗЗАТ, ИШТИРОКЧИГА СОВРИН

**«Gallina Blanca» дунёнинг 70 мамлакати қатори бизнинг юртимизда ҳам анча танилган компаниядир. У ҳар бир мамлакатга ўз маҳсулотининг хуштаъмлиги ҳамда сифатлилиги билан тез кириб боришга интилади.**

Компания яқинда «Gallina Blanca»дан миллион» шиори остида катта тадбир ўтказди. Шу тадбир доирасида Самарқанд, Андижон, Фарғона ҳамда Тошкент шаҳарларида лаҳзали ютуқлар жамғармаси ўйналди. Иштирокчилар ғолиб бўлиш учун 5 дона «Gallina Blanca» бўлакчалари ёрлиқларини йиғиб, уни қабул бўлимларига олиб келишлари, бунинг имконияти йўқ бўлса, мактуб орқали жўнатиш ҳам мумкин эди. Ҳар икки йўл орқали бош соврин, яъни миллион сўмни, ундан ташқари рағбатлантирувчи совринларни ҳам қўлга киритиш имконияти берилганди.

Тадбирнинг якуний қисми пойтахтнинг «Сайлгоҳ» кўчасида бўлиб ўтди. Унда 60 мингта мактуб иштирок этди. Кўқонлик Муножат Йўлчиева кичик тўлқинли иситиш печини қўлга киритди. Пойтахтлик Асқар Рисқиев ҳамда Хусан Одилов телевизор ҳамда музлатгич соҳиби бўлишди. Бош соврин эса Самарқанддан келган Игорь Лигайга насиб этди.

Хуршида НАЗАРОВА.

# ҚАТОРДА НОРИМИЗ БОР

● *Ислоҳот одимлари*



**«Ўзбекистон металлургия комбинати» акциядорлик ишлаб чиқариш бирлашмаси автомобиль транспорти цехи йирик меҳнат жамоаларидан бири ҳисобланади. Цех бошлиғи Алижон Салимов билан бўлган суҳбатимиз амалга оширилаётган ишлар, металлургларга кўрсатилаётган хизматлар хусусида борди.**

**— Аввало, автомобилчилар, созловчи, таъмирловчиларнинг кайфияти қандай? Зиммадаги вазифаларни қай даражада уддалаяпсизлар?**

— Транспорт ҳайдовчиларимизнинг кайфияти чоғ, руҳи тетик бўлса, иш унумли, машина мудом соз бўлади. Энг асосийси, цехимизда соғлом муҳитни ярата олганимизда. Турли касб эгалари, ҳар хил миллат вакиллари аҳил, иноқ, бир оиланинг фарзандлари каби ака-ука, опа-сингилдек меҳнат қилишади. Касб байрамларини, улуғ айёмларни 300 кишидан зиёд жамоамиз билан бир даврада, тантанали руҳда нишонлаш бизда анъанага айланган. Бу бир-биримизга бўлган меҳрни янада ошириб, қадр-қимматни мустаҳкамлашига шак-шубҳа йўқ.



Шунингдек, моддий-маънавий томондан қўллаб-қувватлаш, меҳнатга яраша рағбат бўлган жойда режалар ҳам ҳамиша зиёди билан бажарилади. Ўтган йилнинг режа топшириқлари ошириб бажарилди. Цехимизда иш меъёри белгиланган 264627 ўрнига 272364 соатни ташкил этди. Техникаларнинг фойдали иш коэффициенти эса 0,62 га тўғри келмоқда. Автомашиналарнинг техник жиҳатдан созлигини 0,85 коэффициентда сақлаб туришга эришмоқдамиз. Бу рақамлар замирида муҳандис-техник, созловчи-чилангарлар, моторсоз-таъмирловчилар ва барча ҳайдовчиларимизнинг самарали меҳнатлари мужассам, албатта.

**— Кунига қанча техника ишга чиқади? Улар қандай йўналишларда хизматда бўладилар?**

— Хизмат доирамиз жуда кенг. Ҳар куни 120 дан ортиқ юк ташувчи, енгил машиналар, автобуслар ҳайдовчиларининг қўлига йўл варақаларини берамиз. Зарурат туғилган чоғда 12 минг километр йўл босиб, Украинага бориб қайтишга, ёки ўн минг километр масофа йўл юриб, Россиядан юк олиб келишга тўғри келади. Сурхон воҳасию Фарғона водийсига хизмат сафарига ҳам тез-тез юборамиз. Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатларидан металлургия комбинатимиз учун хом ашёлар, технологиялар, маҳсулотлар олиб келинади. Гоҳида жуда тиғиз жадваллар бўйича иш ташкил этишга мажбур бўламиз ҳам. Электрда пўлат эритиш, мартен, навли прокат цехлари тўхтовсиз ишлаши керак, шунинг учун металлургларимиз ҳайдовчиларимизга кўз тикиб туришади. Ўшандай чоғда зиммамизда оғир юк турганлигини ҳис қиламиз. Ҳайдовчиларимиз шу боис ҳам хизматга доимо шай, узоқ сафарларга ҳамиша тайёр бўлишлари лозим.

**— Ишда алоҳида намуна бўлаётганлар, цехдаги меҳнат шароитлари хусусида нима дея оласиз?**

— Ҳақиқатан минглаб километр йўл босиб, чўл, саҳро, дашту биёбонлар, қум барханлари оша узоқ манзилларга бориш осон кечмайди. Қишнинг қирчиллама чилласи, ёз жазирамаси, кучли шамол, аёвсиз бўронга чидаш керак. Ҳар қандай киши бундай ҳолатга дош беролмайди. Қорли-қировли вақтда темирни қўлга бир олинг-чи, ёки 40-45 даража иссиқ кунлари омбир ёки калитни ушлаб кўринг-а. Ҳайдовчиликнинг ўзига хос оғир дамлари, машаққатлари бор. Абдуманнон Раҳматуллаев, Григорий Ли, Николай Иванов, Раҳматжон Тошпўлатов, Муҳаммаджон Мамараимов каби юзлаб ҳайдовчиларимиз борки, улар — фахримиз. Мотор созловчи Илҳомжон Бойтўраев, чилангар Адҳам Исоқов ва бошқа кўплаб турли касб эгалари барчага ўрнак.

Цехимизда техникага хизмат кўрсатадиган 10 дан ортиқ бўлим мавжуд. Транспортлар таъмирталаб бўлдими, тезда созланади. Малакали, ўз касбини пухта эгаллаган созловчилар вазифаларини сидқидилдан адо этиб келмоқдалар. Шу боис техника воситаларидан фойдаланиш муддатини имкон қадар узайтириб, ишлаш соатини кўпайтиришга эришаётирмиз. Техник хизмат кўрсатиш хоналари замонавий ускуналар билан тўла жиҳозланган. 320 дан ортиқ автомобилчилар жамоаси мамлакатимиз иқтисодий қудратини ошириша, юртимизнинг янада обод ва кўркам бўлишига, металлургия комбинатимиз равнақига хизмат қилаётганидан хурсандмиз.

Қаторда шундай норларимиз бор экан, юрт юки ҳеч қачон ерда қолмайди.

«Тошкент ҳақиқати» мухбири Турсунали УСМОНОВ суҳбатлашди.

*СУРАТЛАРДА: (юқоридан) — тажрибали ҳайдовчилар Низомиддин Нуриддинов ва Владимир Азимов.*

Муаллиф олган суратлар.

● *Касаба уюшмаларида ҳисобот-сайловлар*

# ҒАЛВИР СУВДАН КЎТАРИЛГАНДА

**Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Тошкент вилоят ташкилотининг ҳисобот-сайлов конференцияси бўлиб ўтди. Унда ташкилотнинг беш йиллик фаолияти атрофлича муҳокама қилинди.**

Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси вилоят қўмитаси ҳисобот даврида бир қанча ижобий ишларни амалга оширди. Жумладан, аҳолини ижтимоий муҳофазалаш, янги иш жойларини ташкил қилиш, ёшларни касбга ўргатиш масалаларига катта эътибор берилиб, жойларда меҳнат биржалари билан ҳамкорликда муайян ишлар қилинди. Қишлоқлардаги кам таъминланган оилаларга, ногиронларга, саховат ва меҳрибонлик уйларига хайрия тадбирлари уюштирилиб, уларга 115,6 минг сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди. Шунингдек, ёрдамга муҳтож оилалар, боқувчисини йўқотган болаларни қўллаб-қувватлаш борасида катта ташкилотчилик-хайрия тадбирлари ўтказилди. Ҳосил йиғим-терими мавсумида ишловчиларнинг ижтимоий-иқтисодий муҳофазалашга алоҳида эътибор қаратилди. Самарали меҳнат қилган 119 нафар механизатор Бўстонлиқ туманидаги «Олтин ёмби» дам олиш масканига бепул йўлланма билан жўнатилди. Илғор теримчи ва комбайнчилар ҳам уюшманинг назаридан четда қолгани йўқ. Уларга «Хумсон» соғломлаштириш масканида дам олиш учун 115 дона йўлланма тарқатилди. Шу билан бирга ҳашарчилар ва фермерларга 476 минг сўмлик чинни идишлар тўплами ва турли совға-саломлар улашилди.

Миллий ва касб байрамларида корхона, хўжалик ва ташкилотларда тантаналар ўтказилиб, туман бошланғич касаба уюшма қўмиталари томонидан уруш ҳамда меҳнат фахрийлари, кам таъминланган оилаларга қимматбаҳо совғалар, озиқ-овқат маҳсулотлари берилди. Қўмита меҳнаткашларга ойлик маошни ўз вақтида бермаслик ҳолларини ўрганиб чиқиб, ижобий ҳал этди. Масалан, биргина Қуйичирчиқ туманида «Меҳнатобод», Алишер Навоий номли ширкат хўжаликларидан қўмита иштироки билан 3 та оилага 200 минг сўмдан ортиқ меҳнат ҳақлари ундириб берилди.

Ишлаб чиқаришда содир бўлган бахтсиз ҳодисалар ва унинг сабаблари ҳар йили таҳлил қилиб борилиб, бунинг асосида хўжалик раҳбарлари, касаба уюшма қўмиталарига бу ҳолатларнинг олдини олиш бўйича тавсиялар берилди. «Меҳнатни муҳофаза қилиш» Қонунига риоя этиш, иш жойларини талаб даражасига етказиш юзасидан текширишлар ўтказилиб, уларда белгиланган қонун ва меъёрлар бузилишига доир 2407 та ҳолат аниқланди. Унга йўл қўйган тўққиз мансабдор шахсга маъмурий жазо чораси қўлланилиб, 65 минг сўмдан ортиқ жарима солинди.

Ҳисобот даврида тармоқда эришилган ютуқлар билан бир қаторда жиддий камчиликларга ҳам йўл қўйилган. Хўжалик, корхона ва ташкилотлар томонидан жамоа шартномаларига мувофиқ иш шароитини яхшилаш, меҳнат муҳофазасини ташкил этиш учун ҳар йили катта маблағлар ажратилади. Бироқ жойлардаги касаба ташкилотлари уларни ўз вақтида мақсадли ва тўғри сарфлаш устидан етарли назорат олиб бормайди. Натижада ишлаб чиқаришда ҳар йили 7-8 та бахтсиз ҳодиса содир бўлади. Чунончи, ўтган йил қишлоқ ва сув хўжалиги тизимида оқибати ўлим билан тугаган 2 та бахтсиз ҳодиса юз берди. Шунингдек, тармоқнинг ижтимоий суғурта бадалидан қарздорлиги 2004 йилда 225 миллион 842 минг сўмга етган бўлса, ҳозиргача бу маблағнинг 43948,9 минг сўми ундирилиб, қолган 181893,1 сўми ҳали-ҳануз турибди. Бундан кўриниб турибдики, тармоқ суғурта бадалини ундириш борасида етарли иш олиб борилмаган. Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси вилоят қўмитаси томонидан 2004 йилда 2700 болани соғломлаштириш режалаштирилган бўлса, ҳақиқатда 1721 нафари соғломлаштирилган, холос.

Конференцияда муҳокама этилган масалалар юзасидан қарорлар қабул қилинди. Касаба уюшмасининг вилоят кенгаши ва тафтиш комиссияси таркиблари сайланди. Қўмитанинг раиси этиб Бахтиёр Халилов бир овоздан қайта сайланди. Шундан сўнг кейинги беш йиллик иш фаолиятининг асосий йўналишлари қамраб олинган қарор қабул қилинди.

Камолиддин АСҚАРОВ, «Тошкент ҳақиқати» мухбири.

# XXI asr va dunyo

Mamlakatlar
Odamlar
Voqealar
G'aroyibotlar

## Eng so'nggi xabarlar

### ИСРОИЛ:
## ҚЎШИНЛАР ОЛИБ ЧИҚИЛМОҚДА

Исроил Ғарбий соҳилда жойлашган Фаластин шаҳарларидаги қўшинларини олиб чиқа бошлади. 9 январда ўтажак Фаластин мухторияти раҳбари сайловидаги халқаро кузатувчилар миссиясини бошқариш учун Исроилга ташриф буюрган АҚШнинг собиқ президенти Жимми Картер билан учрашув чоғида Исроил ташқи ишлар вазири Сильван Шалом шундай баёнот берди.

### ГРУЗИЯ:
## ВАЗИР БЕРГАН БАҲО

Грузия давлат вазири Георгий Барамидзе мамлакат ҳукуматида бўлиниш юз бериши мумкинлигидан чўчиётганини маълум қилди. У мамлакат мудофаа вазири Ираклий Окурашвили томонидан ҳарбий идорадаги коррупция ҳолатларини текширишнинг уюштирилишини ана шундай шарҳлади. Барамидзе бу хатти-ҳаракатларни «беъманилик» деб баҳолади.

### АҚШ:
## ПОЕЗДЛАР ТЎҚНАШУВИ

АҚШнинг Жанубий Каролина штатида Norfolk Southerm транспорт компаниясига қарашли икки поезд тўқнашиб кетди. Полиция вакиллари қурбонлар борлигини маълум қилишди-ю уларнинг сони ҳақида оғиз очишмади. Дастлабки маълумотларга қараганда, фалокатдан 75 га яқин киши жабр кўрган. Тўқнашув оқибатида поездлардан бирига ортилган заҳарловчи моддалар очилиб кетгани ҳақида ҳам хабар қилинмоқда.

### ВЬЕТНАМ:
## ДАРДНИНГ ЯНГИ ХУРУЖИ

Жанубий Вьетнамда парранда гриппининг янги хуружи қурбонлари сони ортиб бормоқда. Бундай хасталикдан вафот этган 9 ёшли бола жасадининг вирусологик тадқиқотлари, бемор чиндан ҳам H5NI вируси билан зарарланганини кўрсатди. Шифокорлар ҳаётини сақлаб қолиш учун курашаётган 16 ёшли яна бир қизни текшириш натижалари ҳам унинг парранда гриппи билан оғригани ҳақидаги ташҳис тўғри эканлигини кўрсатди.

### ҚОЗОҒИСТОН:
# ЕРНИНГ НАРХИ НЕЧА ПУЛ?

**Қарағанда вилоятининг бир фуқароси 70 гектардан зиёд яйлов ерларни хусусий қилиб сотиб олди. Бунинг учун у 271 минг танга, ёки 1600 евро атрофида нақд пул тўлади. Эндиликда ўзига тегишли бўлган ерларда фермер хўжалигини ташкил этишни мўлжаллаётган шахснинг исми шарифи ошкор қилинмаётир. Қозоғистонда ерлар сотиб олинаётганлиги ҳақида Анатолий Вайскопф муфассал ҳикоя қилиб берди.**

Бугун кўпчилик ер сотиб олишга интилаяпти. Уларнинг фикрича, давлат белгилаган нарх ҳийла баланд. Чунончи, бир гектар ҳайдаладиган ер 21 минг тангага, яъни 180 еврога баҳоланаяпти. Деҳқонларнинг кўпчилигида бундай маблағнинг ўзи йўқ, дейди Қарағанда вилояти ер қўмитаси раисининг ўринбосари Марат Раимбеков. Таниқли сиёсатшунос Сайдахмет Қуттиқадам «Немис тўлқини»га интервьюсида таъкидлашича, ерларнинг олди-соттиси қонунга зид. У, жумладан, шуни эслатиб ўтдики, ўтган йили қабул қилинган «Ер кодекси»га мувофиқ қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган ерларни сотиш 2005 йил январидан, субижара бекор қилиниши билан бир пайтда бошланиши керак. Сайдахмет Қуттиқадамнинг фикрича, маъмурлар, ҳатто, жамоатчиликнинг эътирозига қарамасдан ерларни сотишга ошиқишаяпти. «Биз ҳамма нарсани қўлдан бой бериб қўямиз деб қўрқаман, — дейди сиёсатшунос. — Жамики ҳаракатлар шунга қараб бормоқдаки, биз фақат тамомила вайрон бўлган саноатга эга бўлибгина қолмай, балки асосий ерларимиздан ҳам маҳрум бўлиб қоламиз». Дарвоқе, Сайдахмет Қуттиқадам эслатиб ўтдики, қишлоқ хўжалигида у ёки бу даражада фойдаланилиши мумкин бўлган ерлар уни расман сотиш бошлангунича хомталаш қилиб бўлинган. Бу муаммо Қозоғистоннинг қишлоқ хўжалиги соҳасида энг самарали бўлган Жамбул, Алмати ва Жанубий Қозоғистон вилоятларида анча кескин тус олган. Ўз навбатида ҳозир президент Назарбоевга мухолифатда бўлган Фавқулодда вазиятлар агентлигининг собиқ раҳбари Замонбек Нуркадилов «Немис тўлқини» мухбири билан суҳбатда таъкидладики, қишлоқда танг вазият вужудга келган. Унинг фикрича қишлоқ хўжалик ерларининг сотилиши жиддий ижтимоий силкинишларга сабаб бўлиши мумкин. «Биринчидан, бу ўринда ҳасад кўпроқ ўзини кўрсатмоқда, — дейди Нуркадилов. — Одамлар насл-насаб муносабатларини ойдинлаштира бошлайдилар. «Бу ерлар меники, қачонлардир катта бувам шу ерларда яшаган, сен бўлсанг, уни сотиб олдинг» қабилида одамлар ўртасида бир-бирларига зиддиятлар туғилиши ҳеч гап эмас. Аввалига улар бир-бирлари билан калтаклашишади, кейинроқ бориб, буларнинг ҳаммаси умумий ҳаракатга айланиб кетади ва бу тизгинсиз ҳаракатни тўхтатишнинг иложи бўлмай қолади. Бу — даҳшатли».

Ерлар аллақачон турли бизнесменлар ва давлат амалдорлари ўртасида хомталаш қилиб бўлинганлиги хусусидаги гап-сўзларга тўхталиб, Замонбек Нуркадилов, бу ҳақиқатга ўхшайди, деди. Бироқ, у аниқ мисолларга эга эмас. Аслида ҳам ҳеч бир катта амалдор ёки бизнесмен ерларни сотиб олишга аралашганлигини ошкора қилмаслигига, соя да қолишга интилишига мухолифатдаги сиёсатшунос қаттиқ ишонади.

**Анатолий ВАЙСКОПФ,**
**Алмати.**



*Лондон. Биг Бен минораси.*


**Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техник жиҳатдан ва молиявий таъминлаш департаментининг Тошкент вилояти ҳудудий бўлими жиноят, фуқаролик ва хўжалик судларининг қарорларига ва ҳукмига асосан, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси ҳудудига божхона қонун-қоидаларини бузиб, ноқонуний, яъни контрабанда йўли билан мол-мулкни олиб киришда фойдаланилган автотранспорт воситаларининг кимошди савдоси ўтказилиши ҳақида**

# ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

**Савдога қуйидагилар қўйилади:**

1. «ЗИЛ-131» русумли автомобил, давлат рақами 11 M 17 83, техник носоз, **бошланғич нархи — 240 000 сўм.**
2. «УАЗ-452» русумли автомобил, давлат рақами У 20 22, техник носоз, **бошланғич нархи — 280 000 сўм.**
3. «УАЗ-452» русумли автомобил, давлат рақами 11 M 07 68, техник носоз, **бошланғич нархи — 480 000 сўм.**
4. «УАЗ-31512» русумли автомобил, давлат рақами Ш 01 81 ТН, техник носоз, **бошланғич нархи — 200 000 сўм.**
5. «МАЗ-5549» русумли автомобил, давлат рақами 10 АА 451, техник носоз, **бошланғич нархи — 2 000 000 сўм.**
6. «ВАЗ-2103» русумли автомобил, давлат рақами 11 L 09 98, техник носоз, **бошланғич нархи — 500 000 сўм.**
7. «ВАЗ-21061» русумли автомобил, давлат рақами 11 Q 58 40, техник носоз, **бошланғич нархи — .200 000 сўм.**
8. «УАЗ-3303002» русумли автомобил, давлат рақами йўқ, техник носоз, **бошланғич нархи — 100 000 сўм.**
9. «М-407» русумли автомобил, давлат рақами йўқ, техник носоз, **бошланғич нархи — 125 000 сўм.**
10. «ГАЗ-5312» русумли автомобил, давлат рақами 80 60 ТШР, техник носоз, **бошланғич нархи — 150 000 сўм.**
11. «М-412» русумли автомобил, давлат рақами 11 F 99 52, техник носоз, **бошланғич нархи — 300 000 сўм.**

**Кимошди савдоси (аукцион) 2005 йил 18 январь куни соат 11.00 да ўтказилади.**

1. «ГАЗ-53» русумли автомобил, давлат рақами 30 G 83 54, техник носоз, **бошланғич нархи — 200 000 сўм.**
2. «ИЖ-2715» русумли автомобил, давлат рақами 30 I 77 24, техник носоз, **бошланғич нархи — 520 000 сўм.**
3. «КАМАЗ-53212» русумли автомобил, давлат рақами 11 Q 00 05, техник носоз, **бошланғич нархи — 1 900 000 сўм.**

Кимошди савдоси (аукцион) 2005 йил 7 февраль куни соат 11.00 да Судлар департаментининг Тошкент вилоят ҳудудий бўлимида Тошкент шаҳар, Яккасарой тумани, У. Носир кўчаси, 93-уй, 3-қаватда ўтказилади.

Кимошди савдосида қатнашадиган корхоналар, фуқаролар бошланғич нархининг 10 фоизи миқдорида тўлов тўлаб, қатнашишлари мумкин.

Кимошди савдосида қатнашиш учун аризалар қабул қилиш ва рўйхатдан ўтиш Тошкент туман ЖИБ судининг биносида ҳар куни соат 9.00 дан 18.00 га қадар давом этади. Ариза қабул қилиш кимошди савдоси ўтказиладиган кундан 3 кун олдин тўхтатилади.

**Манзил:** Тошкент тумани, К. Ғафуров кўчаси, 10-уй, 1-қават, 5-хона.
**Маълумот учун телефонлар:** 152-73-43, 53-08-78, (8-296) 53-718.

• Sport • Sport • Sport • Sport • Sport • Sport • Sport • Sport • Sport • Sport •

## ҒОЛИБЛАР АНИҚЛАНДИ

**Пойтахтимиздаги Марказий ҳарбий спорт клубида кураш бўйича Ўзбекистон кубоги якунланди.**

100 нафардан зиёд спортчи иштирок этган мусобақада Тошпўлат Олимжонов, Суҳроб Худойбердиев, Дилмурод Мавлонов, Акмал Усанов, Шерқул Бобоқулов, Руслан Саидаминов, Икром Нуриллаев, Умида Сафарова ҳамда Гулмира Исматовадан иборат Самарқанд вилоят терма жамоаси умумжамоа ҳисобида биринчи ўринни қўлга киритди. Иккинчи ўрин бухоролик полвонларга насиб этди. Учинчи ўринни эса Тошкент вилояти ва Тошкент шаҳри жамоаси курашчилари эгаллади.

**ЎзА.**

## ФУТБОЛИМИЗ — ОСИЁДА ТЎРТИНЧИ



**Германиянинг Висбаден шаҳрида жойлашган Халқаро футбол тарихи ва статистикаси федерацияси - IFFHS дунёдаги энг кучли миллий чемпионатларнинг янги рейтинг жадвалини эълон қилди.**

Рейтинг мамлакатларнинг энг кучли бешта жамоаси томонидан ўн икки ой давомида миллий чемпионат ва халқаро учрашувларда тўпланган очколар асосида тузилди.

Халқаро федерация мутахассисларининг ҳисоб-китоби бўйича Испания «примеро»си 2004 йилнинг энг кучли чемпионати деб эътироф этилган. Шунингдек, кучли учликдан Англия чемпионатининг премьер-лигаси ва Италиянинг «А» серияси жой олди.

2004 йилда ҳам «Пахтакор»нинг чемпионлиги билан тугаган Ўзбекистон чемпионати жаҳон рейтингида 57-ўринни эгаллади. Осиё мамлакатлари орасида миллий чемпионатимиз Жанубий Корея, Япония ва Саудия Арабистони биринчиликларидан сўнг тўртинчи поғонада қайд этилган.

## САРАЛАШ УЧРАШУВЛАРИ ЯҚИН

**Футбол бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси янги мавсумга тайёргарликни бошлаб юборди. Жамоа аъзоларининг эрта йиғилишига 2006 йили Германияда ўтказиладиган жаҳон чемпионатининг якуний саралаш учрашувлари муддати яқинлиги сабаб бўлди.**

Чунки Ўзбекистон миллий терма жамоаси, Осиё футбол конфедерацияси томонидан тузилган тақвимга кўра, 9 февраль куни Тошкентда Саудия Арабистони футболчиларига қарши саралаш гуруҳининг дастлабки учрашувини ўтказиши лозим.

Терма жамоамиз раҳбарияти мавсумга тайёргарликни икки босқичда ўтказишни маъқул топди. Даставвал футболчиларимиз бир ҳафта давомида пойтахтда машғулот ўтказади. Иккинчи босқич эса Бирлашган Араб Амирликларида давом этади. Йигитларимиз икки ҳафталик хорижий йиғинга 9 январь куни жўнаб кетади.

Мураббийлар терма жамоанинг ўтган йилги таркибини сақлаб қолган ҳолда янги номзодларни ҳам синаб кўришга ҳаракат қилмоқда. Шунинг учун ўқув-машғулот йиғинларига Андрей Бакланов («Насаф»), Нодир Қўзибоев («Нефтчи»), Хайрулла Каримов («Машъал), Иброҳим Раҳимов («Трактор») каби иқтидорли футболчилар жалб қилинди.



Бирлашган Араб Амирликларида футболчиларимиз бир неча жамоалар билан назорат учрашувларини ўтказади. Жумладан, 11 январь куни Ўзбекистон терма жамоаси «Ростов»га қарши майдонга тушади. Терма жамоа раҳбарияти Украинанинг энг кучли жамоаси – «Динамо» (Киев) вакиллари билан ҳам ўртоқлик учрашуви ўтказиш борасида келишиб олган.

**Зоҳир ТОШХЎЖАЕВ, ЎзА мухбири.**

## ЯНГИ ҚЎШНИ

### Ҳикоя



Ёнимиздаги қўшнимиз бошқа ёқдан уй-жой олиб, кўчиб кетган эди. Орадан бир ой ўтмай, янги қўшни кўчиб келди. Дарров танишиб олдик. Бу қўшни асли паркентлик бўлиб, махсидўзлик қилар экан. Исми Ҳошимжон. Уч-тўрт фарзанди бор. Ҳаммаси ҳавас қилгулик, одобли, хушмуомала... Келинойи ҳам саранжом-саришталили фаришта аёл чиқиб қолди.

Бир куни Ҳошимжон ака бизникига йўқлаб чиқди.

— Ҳа, Ҳошимжон ака, тинчликми? — дедим салом-аликдан сўнг. — Нима гап?

— Ҳеч, ҳеч гап йўқ, — деди у тирсакларини силаб. — Негадир маҳаллага ҳеч қовушолмаяпман. Бировга қаттиқ гапирмаган бўлсам...

— Ўзи нима гап, тушунтириброқ гапиринг, ака? — дедим. — Биров сизни хафа қилдими?

— Маҳалла бўлганидан кейин бундоқ бизга ўхшаган янги қўшниларни ҳам тўй-маъракага айтишса бўларди.

— Қўйинг-е, шунга ҳам хафа бўласизми?

Ҳошимжон ака тамшаниб қўйди:

— Бир луқма ош егинг келаркан-да. Тошкентнинг ошига таъриф йўқ! Ҳай, майли, аммо-чи, бирор яқинроғингиз тўйга айтса, мени ҳам имлаб қўйинг, хўпми?..

Орадан икки ҳафтача ўтганда Ҳошимжон ака бизникига катта ўғлини чиқариб юборибди, гапи бормиш. Чиқдим.

— Қўшнижон, шу маҳаллада танийдиганим фақат ўзингиз. Дардимни сизга айтмай, кимга айтай. Шу десангиз каттам уйланадиган, жўжабирдек жонмиз. Қўлим қисқалик қилиб қолди. Озроқ қарз керак эди.

Ўйланиб қолдим:

— Битта амаким бор. Шулардан илтимос қилиб кўрсам, йўқ демаслар.

Ҳошимжон ака ўтирган еридан отилиб турдилар:

— Кетдик. Совуқ ошни ит ҳам емайди. Худо хоҳласа, пулларини тўй кунининг эртасигаёқ қайтараман.

Амаким оғринибгина ўн минг сўм бердилар-да, «майли, тўйингизни ўтказиб олиб, бемалол қайтарарсиз, жиянимни яхши кўрганимдан бераяпман», дедилар.

Ҳошимжон аканинг тўйи бошқача бўлди. Тўрт кун олдин тўйга айтиб чиққанлар маҳаллани. Бошқасига ўтаётганларида «Бу ёғи бошқа маҳалла» деб аранг йўлдан қайтаргандим. Ичим эса пўкиллаб турибди. Нега десангиз тўйгаям бозордан дунёнинг молини харид қилдиларов, ҳали олдинда қарзни қайтариш деган гап бор. Ҳошимжон аканинг эса бир туки қилт этмайди-я. Парвойи палак.

Аммо ҳаммаси тўй куни бошланди. Бунақа тўйни умрим бино бўлиб, биринчи марта кўришим: маҳалламизни одам босиб кетдиёв! Тўёналарни-ку, қўяверасиз, кети узилмайди. Кўчамизнинг у бошидан бу бошигача машина. Қуруқ қўл билан келган меҳмон йўғ-а.

Шу куни бир мен десам, маҳалла аҳлининг ҳам оғзи ёпилмай қолибди. Ҳа, маҳалладошларим бир уйқудан уйғонгандек бўлишди.

Шу-шу Ҳошимжон акани тўй-маъракаларга шунчаки айтмай, балки таклифнома билан чақирадиган бўлишди. Одамлар орасида шундай гап пайдо бўлди: «Танимасни сийламас, деб шунга айтар эканлар-да! Қаранг-а, у кишининг обрўси жуда баланд экан-а». Амакимдан олган қарзини эса ўша тўй куниёқ қайтариб, бир лаган ош ҳам чиқартириб юборди.

— Мана, шунақа, ука, — деди ажабтовур қўшним. — Биз ҳам кўпнинг тўйида бўлганмиз. Қўлимиздан келганича, бирбиримизга ёрдам берганмиз. Суяганмиз. Бизнинг маҳаллани кўрдингиз, иноқ-аҳил. Унутиб қўйишмайди.

Шундан кейин маҳалладаги кун кўролмай ўтирган махсидўзлар ҳам ғимирлаб қолишди-ю...

**Зоир ЗИЁ.**


Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 24 декабрдаги 607-сонли Қарорига асосан Тошкент Давлат Аграр университетининг ўқув тажриба хўжалиги 2005 йилда фермер хўжаликларига

**АЙЛАНТИРИЛАДИ.**

Фермер хўжалиги ташкил этиш бўйича танловда қатнашиш учун талабгор фуқаролар ариза билан қайта ташкил этиш комиссиясига мурожаат қилишларини сўраймиз.

***Қайта ташкил этиш комиссияси.***

Сергели тумани ДСИ томонидан берилган MS-4 216876 ва 216880 дан 216900 рақамгача бўлган патталар йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Сергели тумани ДСИ томонидан берилган MS-4 173974-173980 ва MS-4 216377-216400 рақамгача бўлган патталар йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Акмал Икромов туманидаги Саккокий 3-берк кўчасида жойлашган «KARAVAN PRIM» ХФ объектига берилган 10.01.2000 йилдаги 1315672205 ва 1315872319 рақамли ер кадастри ҳужжатлари йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

ДНПП «BOTIRTEXTIBQURILISH» (ИНН 204463341) Юнусабадского района

**ЛИКВИДИРУЕТСЯ.**

Претензии принимаются в течении 2 месяцев со дня публикации объявления по тел: 119-95-63.


• Воажаб

## ШУНАҚАСИ ҲАМ БЎЛАДИ

**Ярим тундаги қўнғироқ навбатчилик қисми ходимларини шошилтириб қўйди. Шаҳар марказий шифохонасидан олинган хабарга кўра, Тошбой исмли киши ўзига тегишли «Муравей» мотоциклини бошқариб кетаётиб, йўл-транспорти ҳодисасига учраганлиги, уни номаълум оқ рангли «Москвич» уриб юбориб, ҳайдовчи воқеа жойидан қочиб кетганлиги қайд этилган эди.**

Навбатчилик қисмида шошилинч тезкор-тергов гуруҳи оёққа турғазилди. Гуруҳ ходимлари шифохонага бориб, Тошбой билан учрашишганда, у маст ҳолатига ва енгил тан жароҳат олганлигига қарамай воқеани аниқ-тиниқ изоҳлаб, бўлиб ўтган ҳодисани муфассал баён этди. Ёнида ўтирган турмуш ўртоғи ҳам дод-фарёд солиб, эрини уриб кетган «оқ москвич» ҳайдовчисини лаънатлаб ўтирарди.

Тезкор гуруҳ воқеа жойини кўздан кечирганда, ҳақиқатан ҳам қизил рангли «Муравей» мотоцикли чуқурликда ёнбошлаб ётган эди. Тун ярим бўлишига қарамай, гуруҳ мотоциклни ва атрофни синчковлик билан текшира бошлади.

Шу пайт узоқда кўриниб турган бетон симёғоч навбатчи-ҳайдовчи катта сержант Жўрабоевнинг диққатини ўзига тортди. Уни бориб кўздан кечиришганда, ердан бир метр баландликда қизил бўёқ ёпишиб қолганлиги, ранги «Муравей»га тўғри келиши аниқланди. Текширишлар натижасида мотоциклнинг бензиң баки симёғочга урилганлиги, бўёқларининг бир хиллиги исботланди. Шу вақт воқеа жойига келган Тошбойнинг турмуш ўртоғи ва укасига бу ҳолат кўрсатиб, тушунтирилганда, улар ўйланиб қолишди.

Шундан сўнг тезкор гуруҳ марказий шифохонага келиб, Тошбой билан қайта суҳбат ўтказганда, у аниқ далиллардан ўзини олиб қочолмай, ҳаммасини батафсил айтиб, мастлиги туфайли ўз айби билан симёғочга урилиб кетганлигини тан олди. «Нимага нотўғри кўрсатма бериб, тезкор гуруҳни чалғитмоқчи бўлдингиз?» деб савол берилганда, у хотинидан «уялиб» ўз айбини яшириш мақсадида ёлғон кўрсатма берганлигини ошкор этди...

**Шерали АНВАРОВ,**
**вилоят ИИБ матбуот маркази катта инспектори.**


ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ / ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА

Муассис ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир вазифасини бажарувчи Убайдулла АБДУШОҲИДОВ

Телефонлар: Хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 133-40-48. Эълонлар: 133-70-10, 136-53-54.

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.

Тошкент вилояти ҳокимлиги ҳузуридаги Матбуот ва ахборот бошқармасида 03-001 рақами билан рўйхатга олинган.

Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

• Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берувчилар масъулдир.

Ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади. Буюртма Г-046. Адади 6822. Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-3. *Саҳифаловчи: Умид УБАЙДУЛЛО.*

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй.

Нашр кўрсаткичи — 205. Босишга топшириш вақти – 20.00. Босишга топширилди – 1 2 3 4 5